

АБДУРАХМАНОВА Наргиза Тахировна,
Ўзбекистон халқаро ислом
академияси докторанти
nargizatoxirqizi@gmail.com

“АЛ-МУСТАСФО” АСАРИДАГИ ИЖТИМОЙ МАСАЛАЛАР ЕЧИМИ

РЕШЕНИЕ СОЦИАЛЬНЫХ ПРОБЛЕМ В ТРУДЕ “АЛЬ- МУСТАСФА”

SOLVING SOCIAL PROBLEMS IN THE WORK OF “AL-MUSTASFA”

Аннотация: Мақолада ханафий олим имом Хофизиддин Абул Баракот Насафийнинг асаридаги ижтимоий масалалар ҳақида сўз юритилган. Асардаги “Никоҳ”, “Талоқ”, “Нафақа” бўлимлари ёритилиб, бугунги кунда у билан боғлиқ муаммолар баён этилган. Шу билан бир қаторда, “ал-Мустасфа” асари орқали оилавий ҳаётда юзага келадиган муаммолар юзасидан ечимлар берилган.

Калит сўзлар: оила, никоҳ, талоқ, нафақа, ажрим, мажбурият, етим.

Аннотация: В данной статье рассматриваются социальные вопросы, освещенные в трудах ханафитского ученого имама Хафиз ад-Дина Абул Бараката Насафи. Автор статьи анализирует разделы «Никах» («Брак»), «Талак» («Развод») и «Нафака» («Алименты») в его трудах, а также освещает связанные с ними современные проблемы. Помимо этого, на основе труда «Аль-Мустасфа» предлагаются решения проблем, возникающих в семейной жизни.

Ключевые слова: семья, брак, развод, обеспечение, раздельное жительство, обязанность, сирота.

Abstract: The article talks about social problems in the work of the Hanafi scholar Imam Hafizuddin Abul Barakat Nasafi. The work highlights the sections “Marriage”, “Divorce”, “Provision” and describes the problems associated with it today. In addition, the work “al-Mustafa” provides solutions to problems that arise in family life.

Key words: family, marriage, divorce, provision, separation, obligation, orphan.

КИРИШ

Маълумки, оила жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланади. У эркак ва аёл ўртасидаги никоҳга асосланган, авлодлар давомийлигини

таъминлайдиган, ота-она ва фарзандларнинг муносабатларидан ташкил топган, гўзал кадриятларни ривожлантириб, давом эттирадиган муқаддас маскан.

Оила никоҳ акди орқали амалга оширилиб, унинг мустаҳкам қалъаси, эр-хотинни боғловчи ришта ҳисобланади. Никоҳ орқали инсон наслининг давомийлиги таъминланади. Қонунчилигимизда ҳам никоҳга катта эътибор қаратилгани “Оила кодекси”нинг “Никоҳ”га ажратилган алоҳида бўлимидан намоён бўлади [1].

Абул Баракот Насафийнинг “ал-Мустасфо” асаридаги ижтимоий масалалар, хусусан никоҳ билан боғлиқ мавзулар бугунги кунга келиб ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Аллома шарҳда никоҳга оид таърифлар, ундаги томонларнинг розилиги, никоҳ вақтида гувоҳларнинг ҳозирлиги, эркак кишининг турмуш қуриши ҳаром қилинган аёллар тоифаси, тенглик ва маҳр масаласи, эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда таъминот ҳақида атрофлича баён этган.

Насафий батафсил шарҳлаган никоҳ ҳукмларини билиш эр-хотин ўртасида юзага келиши мумкин бўлган турли келишмовчилик ва низоларни олдини олиб, маъсулиятларини адо этишда ўзаро ҳамкорлик қилиб, таълим-тарбияли фарзандларни вояга етказишга хизмат қилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Бугунги кунга келиб бутун дунё бўйлаб оила аталмиш муқаддас масканда ажримларнинг ортиши яққол кўзга ташланмоқда. Бунга асосан эр-хотиннинг бурч ва маъсулиятлари борасида юзага келган мунозаралар сабаб бўлмоқда. Шу билан бир қаторда, оила аъзоларида мурасаилнинг етишмаслиги оқибатида бир-бирини тушунмаслик, хонадондаги мавжуд носоғлом маънавий-руҳий муҳит улар ўртасидаги алоқаларнинг дарз кетишига олиб келмоқда.

Ажримлар билан боғлиқ Ўзбекистоннинг 2022 йилдаги асосий демографик кўрсаткичлари таҳлилларга кўра, 2022 йилда никоҳдан ажрашишлар сони 48,7 мингтани ташкил этиб, сўнгги 5 йилда сезиларли кўпайгани кузатилди. Мисол учун, 2018 йилда 32,3 мингта, 2019 йилда 31,4 мингта, 2020 йилда 28,2 мингта, 2021 йилда 39,3 мингта ажрашиш қайд этилган [2].

Оиладаги моддий таъминотнинг етишмаслиги, оила аъзолари ўртасидаги ўзаро совуқ муносабат, фарзандсизлик, хиёнат, феъл-атворларнинг тўғри келмаслиги, маъсулиятни

ҳис этмаслик ажрим келиб чиқишига асосий сабаб деб қаралмоқда.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузуридаги Фатво маркази фуқароларни қабул қилиш, уларни оғзаки мурожаатларини ўрганиш, турли диний саволларга, жумладан, ибодат, ижтимоий-иқтисодий ҳамда кундалик муаммолар, уларнинг шаръий ечимлари, эр-хотинлар ўртасида келиб чиқадиган низо, талоқ ва келишмовчиликлар юзасидан суҳбатлар олиб боради. Фатво марказининг маълумотларига кўра, 2018-2023 йиллар мобайнида қилинган мурожаатларнинг тахминан 30-35%и талоқ масаласига оид ҳисобланади.

Фатво маркази талоқ тушишига сабаб бўладиган зиддиятли ҳолатлар деб қуйидагиларни қайд этади:

- Қайнона-қайнота, шунингдек бошқа шахсларнинг оилавий масалаларга аралашуви;

- Арзимас сабаблар билан юзага келган жанжаллар;

- Аёллар арзирли сабаб бўлмаса-да, талоқларини сўраб, қаттиқ туриб олишлари. Кўп мурожаатларнинг келиб чиқиши шундай бўлиши кузатилади. Яъни, эр ва хотин арзимас сабаблар билан жанжаллашганда аёл киши тинмай талоғини беришни сўрайди. Сўнг эркак жаҳл устида талоқ қўяди. Сўнг икковлари ҳам қилган ишларидан афсусланган ҳолда мурожаат этишлари;

- Спиртли ичимлик ичиш оқибатида [3].

Абул Баракот Насафий ҳам “Талоқ” масаласини шарҳлашдан олдин унинг Аллоҳ ҳалол қилган ва энг ёмон кўрган амал экани ҳақидаги ҳадис билан бошлаган [4].

Инсон оилавий ҳаёти мобайнида турли ҳолатларни бошдан ўтказиб, никоҳ риштасини умуман боғлаб қолишга чора қолмаган тақдирда талоққа рухсат берилган. Бу ҳуқуқ табиатан оғир-босиқ, иродали, ақл билан иш юритадиган эркаклар зиммасига юклатилган. Бу маъсулиятни ҳис этган ҳолда эркаклар талоқ лафзини беҳуда ишлатмай, оилани асраб қолиш учун муроса қилишлари, турмуш давомида аёл томонидан юзага келадиган баъзи қусур ва камчиликларга сабр қилишлари керак. Аёллар ҳам эрларига итоат қилиб, уларга қарши бош кўтармасликлари лозим. Акс ҳолда, бунинг натижаси оиланинг барбод бўлишига олиб келади.

Оила бузилганидан сўнг энг кўп азият чекиб, икки ўртада фарзандлар сарсон бўлади. Етимлик натижасидаги руҳий изтироблар уларнинг соғлом вояга етишига тўсқинлик

қилади. Ота ёки онасиз моддий, маънавий, ахлоқий жиҳатдан тўла-тўқис тарбия олмайди. Натижада қаровсиз қолган, ота-онаси ажрашган, баъзан ота-онаси бор айрим болалар ҳам меҳрибонлик уйларида вояга етади.

Бугунги кунда Халқ таълими вазирлигига қарашли 17 та “Меҳрибонлик” уйлари ва 4 та Болалар шаҳарчаларида 2047 нафар етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етмаганлар тарбияланмоқда. Айни пайтда Республикадаги 2047 нафар тарбияланувчидан чин етимлари сони 316 (15,5%) нафарни ташкил этади, 506 (24,7%) нафарининг отаси ёки онаси бор, 770 (37,6%) нафар бола оталик ва оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганларнинг фарзандларидир [5].

Шунингдек, никоҳдан ажрашганларнинг фарзандлар сони бўйича тақсимланиши қуйидагича: 34,3 фоизи фарзандсиз, 41,9 фоизи бир фарзанди билан, 23,8 фоизи 2 ва ундан ортиқ фарзанди билан ажрашган [6].

Юқоридаги рақамларнинг ортмаслиги учун оиланинг барча аъзолари бирдек масъул. Оила муқаддаслигини асраш, миллат ва келажакнинг давомчилари бўлган фарзандларни соғлом ва гўзал муҳитда тарбиялаб, вояга етказишда эру хотин биргаликда ҳаракат қилишлари керак. Бу ҳаракат асосида улар диний аҳкомларимизга риоя қилишлари, мажбуриятларини адо этишлари, нафрат ва ажримларга сабаб бўладиган муаммолардан сақланишга ҳаракат қилишлари лозим.

Бугунги кунда оиладаги яна бир долзарб мавзулардан бири таъминот масаласи бўлиб, Абул Баракот Насафийнинг “Нафақалар” бўлимида унга атрофлича тўхталган.

Маълумки, оила раҳбари бўлган эркак киши зиммасига ундаги барча сарф-харажатлар юклатилган. У оила аъзоларининг таъминоти, озиқ-овқат, кийим-кечак, турар-жой ҳамда муҳофазасига масъул. Аллома оилада нафақа миқдорини белгилашда: “Ризки кенг кенглигидан нафақа қилсин. Кимнинг ризки тор қилинган бўлса, унга Аллоҳ берганидан нафақа қилсин”¹ оятини асос қилиб олган [7]. Шундан келиб чиқиб, нафақа масаласида эр ўзининг иқтисодий ҳолатини инобатга олиб харажат қилади.

Турмушимизда таъминот масаласига эътиборсиз бўлиб, ўзи уйда ўтириб, аёлини ишлашга мажбур қилаётган эркакларнинг борлиги ачинарли ҳолатга айланмоқда. Бундай вазият ҳам оиладаги низомнинг бузилишига

¹ Талоқ сураси, -Ҳоят.

олиб келади. Баъзи аёллар эса эрининг топганига қаноат қилмай, ношукр бўлиши оқибатида ўртада келишмовчилик пайдо бўлади.

Бунинг олдини олиш учун эр нафақа йўлида қилган барча саъй-ҳаракатларини ажру савоб умидида бажариши керак. Зеро, Расулulloх (с.а.в.): “Садақанинг яхшиси беҳожатликда бўлганидир. Уни қарамоғингдагилардан бошла” [8] деганлар. Хотин ҳам эрининг меҳнатларини қадрлаб, ўзининг тоғдек орзу-ҳавасларини талаб қилмаслиги керак.

Сўнгги ўттиз йил ичида сайёрамизда 60 ёшдан ошган одамлар сони икки бараварга ошганлиги ҳақида хабарлар мавжуд. Бу эса дунёда қариялар уйлариининг ортишига сабаб бўлаётганлигидан далолат беради. Францияда 7 минг, АҚШда 20 минг, Россияда эса 1,5 мингдан зиёд қариялар уйлари бор [9].

Кейинги йилларда ўзбеклар орасида ҳам кекса ота-оналарини қаровсиз қолдириш, парвариш ва ғамхўрликка муҳтож вақтида “Саховат” уйларига топшириш ҳолатларининг мавжудлиги ташвишли ҳодисага айланмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2021 йил 25 мартда “Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, “Саховат” ва “Мурувват” интернат-уйлари тизимини янада ривожлантириш тўғрисида”ги қарор қабул қилинди. Айни пайтда тизим таркибида 33 дан ортиқ “Саховат” ва “Мурувват” уйи давлат таъминоти ҳисобидан фаолият олиб боради [10].

Бу кўрсаткич дину диёнатли, меҳр-оқибатли ўзбек халқи учун жуда катта рақам ҳисобланади. Ислom шариати кексалар, хусусан ота-оналарга эътиборли бўлиш, уларни асраб-авайлаш, эҳтиром кўрсатиш, дуо ва розиликларини олишга ундаган. Бунга Қуръони карим оятлари, ҳадиси шарифлар ҳамда улуғларнинг йўлларида мисоллар талайгина.

Насафий фарзанд зиммасида ота-онасини нафақа билан таъминлаш мажбурияти борлигини таъкидлайди [11]. Ҳаттоки, ота-онаси томонидан бўлган бобо ва бувилари муҳтож бўлган тақдирда ҳам, уларга нафақа қилиши айtilган.

Дарҳақиқат, инсонни дунёга келишига сабабчи бўлган, уни гўдаклик вақтидан вояга етказиб, таълим-тарбия берган ота-онанинг ҳурматини жойига қўйиш, фурсат ўтиб ёрдамга муҳтож бўлган вақтларида уларни эъзозлаб парвариш қилиш ҳар бир фарзанднинг маъсулиятли, шу билан бир қаторда, муқаддас вазифаси ҳисобланади. Бу орқали улар беҳисоб

ажру мукофот ва икки дунё саодатига муяссар бўлади.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, “Ал-Мустасфо” асарида энг муҳим мавзулардан бири оилавий муносабатларга доир масалалар атрофлича ёритилиб, унинг ҳукмлари ҳамда бугунги кундаги аҳамияти очиқ берилган. Оилавий муносабатларга оид бўлимларда ундаги муаммо ва ечимлар, эр-хотин вазифалари ҳамда маъсулиятлари, фарзанд тарбияси, ота-онага хизмат, қариндошлар ўртасидаги алоқаларга оид масалалар баён этилган.

Никоҳ ҳукмларига риоя қилиш, таъминот масаласига эътиборли бўлиш, оилада ажримларнинг олдини олиш ва тинч-осуда оилавий муносабатларни шакллантириш билан бир қаторда, кундалик ҳаётимизда учраши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликларнинг олдини олиниши айтиб ўтилган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг оила кодекси // <https://lex.uz/docs/104720?ONDATE2=18.05.2022&action=compare>.
2. Ўзбекистонда никоҳлар камайиб, ажралишлар кўпайган – статистика // <https://kun.uz/news/2023/01/31>.
3. Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузуридаги Фатво маркази маълумотлари.
4. Абул Баракот Насафий. Ал-Мустасфо фи шарҳи-н-Нофъ. Ж. II. – Истанбул: Мактабату-л-иршод, 2017. – Б. 185.
5. Юнусова А. Таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муассасаларида бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан ўрганиш натижалари // <https://www.ombudsman.uz/uz/news/2021/01/19>.
6. Статистика агентлиги: Ўзбекистонда никоҳлар камайиб, ажралишлар сони ортди // <https://www.gazeta.uz/uz/2023/02/01/marriage-stats/>.
7. Абул Баракот Насафий. Ал-Мустасфо фи шарҳи-н-Нофъ. Ж. II. – Истанбул: Мактабату-л-иршод, 2017. – Б. 298-299.
8. Олтин силсила. Саҳиҳул Бухорий. Ж. VII. – Тошкент: Ҳилол-нашр, 2018. – Б. 74.
9. Гўзал Бегим. Куёш шуъласидаги занжир сояси ёхуд “қариялар уйи”даги журналист тақдири // <https://uzhurriyat.uz/2021/03/31>.
10. Саховат уйлари сони кўп эмасми // https://uza.uz/uz/posts_295307.
11. Абул Баракот Насафий. Ал-Мустасфо фи шарҳи-н-Нофъ. Ж. II. – Истанбул: Мактабату-л-иршод, 2017. – Б. 314-315.